

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида 2023 йилнинг январь-март ойларида амалга оширилган ишлар юзасидан тахлилий АХБОРОТНОМА

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти томонидан 2023 йилнинг январь-март ойларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тизимли асосда ташкил этиш, қуйи тузилмаларда олиб борилаётган ишларни мунтазам ўрганиб бориш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, мурожаатларга сабаб бўлаётган омилларни таҳлил этиш ва уларни бартараф этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига аҳолидан кўплаб мурожаатлар тушишининг олдини олиш мақсадида акциядорлик жамиятнинг барча магистрал газ қувурлари бошқармаларида фаолият кўрсатаётган “фуқаролар қабулхоналари”да аҳоли учун шарт-шароитлар ташкил этилган, жумладан кириш йўллари, асосий кириш жойи, пандуслар, фуқароларни қабул қилиш хоналарига эга бўлиши таъминланган.

2023 йилнинг январь-март ойларида мутахассислар томонидан “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг таркибий тузилмаларига чиқиб мурожаатларда тез-тез кўтариладиган муаммоли масалалар бўйича таҳлиллар ўтказиш, йўл қўйилаётган камчиликлар ва қоидабузарликларнинг сабабларини бартараф этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш чораларини кўриш мақсадида ўрганишлар ўтказилди, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатилди.

Жойларда ўтказилган ўрганишларда мурожаатлар билан бевосита ишлайдиган масъул ходимларга Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун ва моҳиятини етказиш чоралари кўрилди.

Ҳисобот даврида ўрганиш натижалари бўйича тасдиқланган дастурлар асосида “Ўзтрансгаз” АЖ масъул ходимлари томонидан Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талабларнинг мазмун ва моҳиятини тўлиқ тушуниб олиш, амалиётда кенг ва самарали қўллаш мавзусида ўтказилган ўрганишлар сони 2 та ҳамда семинар машғулотлари сони 1 та.

“Ўзтрансгаз” АЖ бошқарув раиси ҳамда унинг ўринбосари бошчилигида республиканинг барча туман ва шаҳарларида ўтказиладиган сайёр қабуллари тасдиқланган графикалари асосида ташкил этилди.

Ҳисобот даврида ишчи гуруҳлар томонидан республиканинг барча туман ва шаҳарларида жами 6 та сайёр қабул ўтказилди. Жумладан, Андижон

вилоятида 1 та, Бухоро вилоятида 1 та, Самарқанд вилоятида 2 та, Фарғона вилоятида 1 та, Хоразм вилоятида 1 та.

Оммавий ва сайёр қабуллар давомида мурожаат қилаётган фуқаролар муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилиб, қабулларнинг натижадорлигига эришиш, мурожаатларни ҳолис ва тезкор кўриб чиқишга қаратилган аниқ чоралар кўрилди.

Ўтказилган ушбу сайёр қабулларда фуқаролардан жами 8 та оғзаки мурожаатлар тушган бўлиб, кўтарилган муаммоли масалалар жойида мутахассислар томонидан ҳал этилди.

2023 йилнинг январь-март ойларида “Ўзтрансгаз” АЖга жисмоний ва юридик шахслардан 85 таси бевосита ёзма, 149 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали, 1 таси электрон почта орқали ва 16 таси оғзаки мурожаатлар келиб тушган. Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши тўлиқ назоратга олинди, 97 таси қаноатлантирилган, 59 таси бўйича муаллифларга тўлиқ тушунтиришлар берилган, 81 таси кўрмасдан қолдирилган ва 14 таси ўрганиш жараёнида.

Ҳисобот даврида “Ўзтрансгаз” АЖ бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари томонидан бевосита акциядорлик жамиятида шахсий қабулларда 3 нафар, ишонч телефони орқали 5 нафар ва сайёр қабулларда 8 нафар шахслар қабул қилинган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда камчилик ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан жавобгарлик чоралари кўрилиши таъминланмоқда.

“Ўзтрансгаз” АЖ томонидан 2023 йилнинг январь-март ойларида мурожаатлар кўриб чиқиш натижалари бўйича ОАВда 5 марта чиқиш амалга оширилган. Жумладан телевидение ва радиода 1 та, акциядорлик жамияти веб-сайтида 3 та чиқишлар ташкил этилган. Идора расмий веб-сайтида мурожаатлар билан ишлаш натижалари бўйича жойлаштирилган ҳисоботлар сони 1 та.

2023 йилнинг январь-март ойларида “Ўзтрансгаз” АЖ марказий аппарати, унинг қуйи корхона ва ташкилотларида аҳоли билан бевосита ишлаш, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишни назарда тутувчи тизимда фаолият кўрсатиш чоралари кўрилади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлими
бошлиғи

С.Сидикжанова